

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 38 (1259) 2019-yil 20-sentabr, juma

Беш бармоқ бирлашди...

МУНОСАБАТ

Маълумки, азалдан тили, эътиқоди, турмуш тарзи яқин халқлар бир-бирига интилиб келган. Ахир, якка отнинг чанги чиқмас ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган. Яхши-ёмон кунларда бир-бирини қўллаган, бир-бирига ғамхўрлик қилган, бир-бирига суянч ва паноҳ бўлган элатлар дунё тамаддунида ўзларига хос ва мос ўринларни нисбатан тезроқ эгаллашган. Бунга тарихда мисоллар кўп. Туркий тилли давлатлар ўртасида ҳам алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида 2009 йилнинг 3 октябрида Нахичеван шаҳрида Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарлари "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгашини тузиш тўғрисидаги Битим" имзолаган.



Битимга асосан Туркий кенгаш халқаро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади, унинг мақсад ва вазифалари эса туркий тиллар мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин кўшнчиликни мустаҳкамлаш, минтақада, умуман дунёда тинчликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Ташкилот Туркий тилли давлатларнинг раҳбарлари кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслари қўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ва Котибиятдан таркиб топган бўлиб, аъзо мамлакатларнинг иқтисодий, инвестиция, боғжона, транспорт, таълим, ту-

ризм, ахборот каби соҳаларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислари иштирокида учрашувлар ташкиллаштирилиб, ҳар бир аъзо давлатнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда келишувларга эришилади.

Туркий кенгаш унга аъзо давлатларнинг мулоқоти ва ҳамкорлигини илгари суриш мақсадида тузилган йирик минтақавий бирлашма ҳисобланади. Ушбу ташкилотнинг шаклланишига қадар Ўзбекистон туркий тиллар давлатлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ўрнатиш ва янада ривожлантиришда фаол иштирокчи ва ташаббускорлардан бири бўлган.



ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Бугун сайловчилар ишончини қозониш осон иш эмас. Бунинг учун сиёсий партия халқ олдида шунчаки қуруқ гаплар ёки асоссиз ғоялар билан эмас, аниқ ва ҳаётий вазифалар, халқни ўйлантираётган муаммоларга ечимлар билан чиқиши лозим. Партиянинг дастурий ҳужжатлари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳудудларда, бошланғич партия ташкилотларида, маҳаллаларда Сайловолди дастури лойиҳасини кенг муҳокамадан ўтказмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Суд-ҳуқуқ тизимида қандай ислоҳотлар зарур?

Ўзбекистон Адвокатлар палатасида "Адолат" СДП Сайловолди дастури лойиҳасининг суд-ҳуқуқ соҳасига доир вазифалар муҳокамасига бағишланган "Суд-ҳуқуқ тизими — партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналиш" мавзусида тadbир ўтказилди. Тадбир партиянинг ушбу йўналишдаги доимий ҳамкорлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Қуруқ гаплар, асоссиз ғоялар билан ишонч қозонилмайди

Жорий йилнинг 13 сентябрь кuni Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкент давлат иқтисодийёт университетида бўлиб ўтган ушбу тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, депутатлар, фаоллар ҳамда экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, партия Сайловолди дастури лойиҳасида 3000 дан ортиқ

бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокамадан ўтказилди. Шунингдек, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда "Менда таклиф бор" (#MendaTaklifBor) хештеги асосида ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг фикрлари олинди. Утган давр мобайнида ҳар икки йўналишда партия экспертлар гуруҳига мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Мазкур таклифлар экспертлар томонидан умумлаштирилиб, муҳокамага қўйилган дастур лойиҳасида ўз ақсини топгани қайд этилди.

Муҳокамалар жараёнида Дастур лойиҳасидаги суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фанга доир устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, "Ақли тиббиёт" тизимини шакллантириш, жойларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонларнинг ноқонуний айланиши устидан партиянинг қатъий позициясини билдириш, таъсирчан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Таълим соҳасида экспертлари томонидан мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этаётган шароитда, уларнинг атиги 10 фоизига олиқ таълим муассасаларига қамраб олинаётганлиги қайд этилди. Олий ўқув юртурларига қабул квотасининг камлиги, тест саволларидаги айрим мураккабликлар боис бир қатор ёшларимиз хорижий давлатларда таълим олишни маъқул кўрмоқда. Бундан ташқари, мазкур омиллар туфайли ўқишга кириш жараёнида коррупция ҳолатлари учрамоқда.

Бугунги сонда:

Прописка: тартиблар ўзгариши керак

Қонун ҳужжатларида "мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга" деб белгиланганлиги қачондир лавозимдан озод этилгач, "фуқарони белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки фуқаронинг аризасига кўра бошқа минтақага пропискадан чиқаради" деган талаб ижро этилишига сабаб бўлиши афсусланарлидир.

Фирибгарлар тузоғига илиндим...


Шуниси ажабланарлики, тажрибали катта нотариус М.Кенжаева қарз шартномаси тузишда гаров қўйиш лозимлиги ва гаров шартномасида қайд этилиши кераклиги ҳақида ҳеч нарса демади. Бир неча муддат ўтиб, С.О. ва А.П. уйимдан "Сартива" автомашинасини ўғирлаб кетишди. Мен бу ҳақда ички ишлар бўлимига muroжаат қилдим. Улар машина гаровга берилганлиги ҳақидаги тилхатни инobatга олмай, «бу ҳақда қарз шартномасида ҳеч нарса дейилмаган», деган вaж билан чора кўришни рад этишди.

Оширилган контракт, туширилган стипендия —

ҚАНЧАЛИК АДОЛАТЛИ?!

Янги ўқув йилидан бошлаб, давлат гранти ва тўлов контракт асосида ўқийдиган барча талабалар учун стипендия миқдори бир хил, яъни 400 минг сўм этиб белгиланди. Стипендиялар миқдорининг талаба олган баҳога нисбатан дифференцияси, яъни "ўрта", "яхши", "аъло" баҳолар учун стипендия бекор қилинди. Бунинг ўрнига фаол, аълочи, жамоатчи талабалар учун ОТМ ректорлари томонидан стипендиянинг 50 фоизгача, яъни 200 минг сўмгача миқдорида рағбатлантирувчи маблаг жорий қилинадиган бўлди.

Буни қандай тушуниш мумкин? Жорий қилинаётган ушбу тизим қанчалик адолатли?! Олий таълим мутасаддиларининг мазкур "инновацияси" "5" баҳо олишга астой-



дил интилаётган аълочи талабаларнинг шаштини сўндириб қўймаймиди? Талабанин 50 фоизлик мукофотни олиш илинжи турли қинғирлик ва адолатсизликларга замин яратмайди? Бу тизим талабаларнинг ректор, проректор ва декан жанобларига лаганбардорлигини келтириб чиқармайди?

Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ушбу сайловга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳар бир партия ўз Сайловолди дастурини ишлаб чиқади.

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Сайловолди дастури лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Учрашувда ушбу дастур лойиҳасининг суд-ҳуқуқ соҳасига оид қисми атрофлича муҳокама этилиб, мазкур тизимдаги ислоҳотлар натижаси ҳақида сўз юритилди. Хусусан, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омиллар танқидий ўрганилди.

Иштирокчилар мавжуд камчиликларни аниқлаш, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар кириштиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш хусусида фикр билдириб, бу саъй-ҳаракатлар ҳар бир соҳада, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини рўйбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлашди.

2-БЕТ

3-БЕТ

2-БЕТ

Тарихнинг шундай давр ва лаҳзалари бўладики, вақт тушунчаси уларнинг маъно-моҳиятини тўла очиб беришга ожизлик қилади. Чунки, қатрада қуёш акс этганидек, бу лаҳзалар миллатнинг тақдирига, миллий ва маънавий тараққиётга бевосита дахлдор бўлиб, тарих саҳифаларига мустақкам нақшланиб қолади. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиши мазмун-моҳиятига кўра шундай воқеалардан биридир.

Яхши қўшничилик — аждодлар орзуси

Йигирманчи аср адоғида халқимиз оламшумул тарихий ғалабага эришди — истибодоз занжирлари узилиб, миллий мустақилликка эришдик, тақдиримизни ўз қўлимизга олдик, қизил салтанат исканжасидан, унинг гайрининсоний мафкура-си ва сохта қадриятларидан озод бўлдик. Ута оғир ва мураккаб шароитда қўйган дастлабки қадамларимиз даврнинг қалтис синовларига тўғри келди, не бахтки, халқимизнинг озод бўлди. Ута оғир ва мураккаб шароитда қўйган дастлабки қадамларимиз даврнинг қалтис синовларига тўғри келди, не бахтки, халқимизнинг озод бўлди. Ута оғир ва мураккаб шароитда қўйган дастлабки қадамларимиз даврнинг қалтис синовларига тўғри келди, не бахтки, халқимизнинг озод бўлди.

гашига аъзо бўлиши янги тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Тарихдан аёнки, туркий тилли дунё қадим-қадим замонлардан бери дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшиб келган. Маданият, илм-фан ривожида Европага муаллимлик вазифасида муносиб ҳисса қўшиб келган. Маданият, илм-фан ривожида Европага муаллимлик вазифасида муносиб ҳисса қўшиб келган. Маданият, илм-фан ривожида Европага муаллимлик вазифасида муносиб ҳисса қўшиб келган.


ушбу ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиш мамлакатимизнинг айна шу соҳалар бўйича салоҳиятини янада оширади, тили ва дини, тарихий илдизлари бир халқларимиз ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва маданий-маърифий алоқаларга янги мазмун кашф этади, туризм янада кучаяди, деб ўйлайман. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми бир йилнинг ўзига қирқ фоизга ошган, Кенгашига аъзолик ушбу рақамни янада ошириши шубҳасиз.

Ўтмиш бобларимиз бизга ҳақиқат яқдил ва ҳамфикр бўлиб яшашни, муаммоларни биргаликда, бамаънафат ҳал қилишни васият қилиб кетганлар. Президентимизнинг яхши қўшничилик сиёсати ушбу васиятнинг янада тўла амалга ошишига кенг йўл очмоқда. Бу йўлдан нафақат Ўзбекистон, бундан ташқари Туркия, Туркиянинг яхши қўшничилик сиёсати ушбу васиятнинг янада тўла амалга ошишига кенг йўл очмоқда. Бу йўлдан нафақат Ўзбекистон, бундан ташқари Туркия, Туркиянинг яхши қўшничилик сиёсати ушбу васиятнинг янада тўла амалга ошишига кенг йўл очмоқда.

Беш бармоқ бирлашди...

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашида иштироки ушбу ташкилотнинг аъзо давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот, табиатни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, кредит-молия ва ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмак кўрсатади.



Зафар СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Мазкур тузилмага аъзо бўлиш Ўзбекистонга савдо ва инвестициялар учун қўлай шароитлар яратиш, товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини босқичма-босқич амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда бундай кўп томонлама ҳамкорлик Туркий кенгаш доирасида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстона ва яхши қўшничилик алоқалари мустаҳкамлашга йўналтирилган Ўзбекистоннинг ҳозирги очик, конструктив ва амалий ташқи сиёсатини илгари суришда қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Тошкентда «БЕПУЛ МЕТРО КУНИ»

2019 йилдан Ўзбекистон "Европа ҳаракатланмиш ҳафталиги" глобал кампанияси иштирокчисига айланди. Тошкентда 19 сентябрь куни "Бепул метро куни" тадбири ўтказилди.

«Бепул метро куни»да йўловчилар оқими ҳар кунгидан кўпайди, «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» бекатларида ўтиш вестибюлида Тошкент метрополитени тарихига бағишланган тарихий фотокўргазма, «Ойбек» бекатидан «Мингўрик» бекатига ўтиш жойида турли мусикий чиқишлар, «Амир Темур» бекатидан «Юнус Ражабий» бекатига ўтиш йўлида фотгалерея ташкил этилди.

Тошкент метросининг умумий узунлиги 37 километрдан иборат бўлиб, 29 станцияли ер ости тизими ноёб гузаллиги билан ажралиб туради. Метродан кўнра кўнрача 200 минг киши фойдаланмоқда. Мазкур «Бепул метро куни» лойиҳаси аҳолига жуда манзур бўлди. Кўпчилик оилалар фарзандлари билан метрода сафат қилди. Кўнра кўнра дастурлардан баҳраманд бўлди. Пойтахт аҳолиси орасида шу кунги ўз машиналарини уйда қолдириб, ишхонасига метрода борган, метро хизматининг тежамкорлиги ва тезлигини юқори баҳолаганлар ҳам бўлди.

Барчага бирдек манзур бўлган мазкур ақция хос, ноанъанавий ўзига хос, ноанъанавий ақция Тошкент аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Тошкент метрополитени» УК томонидан ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: парламентларо ҳамкорликнинг устувор йўналишлари

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Россия Федерацияси Давлат Думаси делегацияси ташриф буюриб, унда икки давлат парламентларо муносабатларининг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақида фикр алмашилди.



Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Умуман, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ҳамкорлик сўнгги йилларда жадал ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳамкорлик муносабатларида парламентларо келишувлар, ўзаро тажриба алмашинуви ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги учрашувда келгусида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлигида эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Хусусан, сўнгги вақтларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж кучайиб бораётганидан келиб чиқиб, мазкур соҳадаги қонун ижодкорлигида ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

Яна бир муҳим масала бу — меҳнат миграцияси. Россияда ишлаётган ҳамюртларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, мамлакатнинг худудий бирликларидан ҳам меҳнаткашларни ҳимоя қилаётган марказларни ташкил этиш орқали уларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик кучайтирилиши илгари сурилди.

Шунингдек, муҳим йўналиш сифатида мамлакатимизда жорий йилда бўлиб ўтиши кўтилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказилган сайловларда Россия Федерацияси вакиллари, хусусан, Давлат Думаси депутатларининг халқаро қузатувчи сифатида иштирок этиши тақлиф қилинди.

Мазкур янги йўналиш ва тақлифлар Россия томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Ўз навбатида, улар ҳам қонунчилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишидан нафақадор эканликлари, бу борада Марказий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакат — Ўзбекистон тажрибаси улар учун муҳимлиги қайд этилди.



Суд-ҳуқуқ тизимида қандай ислоҳотлар зарур?

Давоми. Бошланғич 1-бетда


Партиянинг Сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга бағишланган бир қанча тақлифлар киритилган. Жумладан, Тергов қўмитаси ташкил этиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Натижанда прокуратура, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизматидаги тергов бўлимлари тугатилади. Пировардида тергов ишлари адолатли ва қонуний ўтказилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслиги таъминланиб, мазкур жараёнда идоравий манфаатлар аралашининг олди олинади.

Шунингдек, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида фаолият юритаётган фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судларни бирлаштириш, туманларо фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларни тугатиш, ҳар бир туман ва шаҳарда ихтисослаштирилган ҳолда ушбу тоифа ишларни кўрадиган судьялар фаолият юритишини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Адвокатура мавқени ошириш, суд босқичида прокурор ва адвокат ваколати тенглигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча маъмурий ишлар фақат суд

томонидан кўрилишини таъминлаш ҳам партия олдида турган вазифалар қаторидан ўрин олган.

Аллан ПАШКОВСКИЙ,
«Falcon» адвокатлик фирмаси адвокати:
— «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокурорнинг суддан кўрилган ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш ваколати белгиланган модда мавжуд. Ушбу модда, биринчидан, прокурорнинг судьядан устунлигини, иккинчидан, прокурор ва адвокатнинг тенглик принципи таъминланмаганини кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, суддан ишларни прокуратурага олиб келишни талаб қилганда, судья ишларни қўлтиклаб олиб борапти. Адвокат эса судга иш билан танишиш ҳақида ариза бериб, натижа-сини кутади, рухсат берилганда ҳам танишиш учун маълум вақт белгиланади. Прокурор эса вақт чегараланмагани сабабли, иш билан ойлаб танишиши мумкин. Шунинг учун «Прокуратура тўғрисида»ги қонундан ушбу моддани чиқаришни, прокурорнинг суддан ишларни чақириб олиб ўрганиш ваколатини бекор қилишни тақлиф қиламиз. Чунки судда кўрил-



ган барча жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишларда прокурор иштирок этади ҳамда ушбу ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар прокуратурага юборилади.

Анвар МАМЕДОВ,
«Қонун ва адвокат» адвокатлик бюроси адвокати:
— Адвокатура тузилмалари фуқароларга жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишлар юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади. Улар

даромад (фойда) олишни кўзламайди ҳамда фаолияти давомида йиғилган даромадни (фойдани) ўз аъзолари (иштирокчилари) орасида тақсимламайди. Шунинг учун адвокатлик тузилмаларини ҳозирда амалда бўлган Солиқ кодексига белгиланганидек, нотижорат ташкилот сифатида солиқ тўлашдан озод этиш, адвокатлардан эса даромад солиғи ундириш мақсадга мувофиқдир. Адвокатлик тузилмалари ҳисоб рақамига тушган маблағнинг 15 фоизини ижтимоий мажбу-

рий тўловларга ўтказиш, бундан ташқари электр энергия, иссиқ сув, совуқ сув, иштиш, телефон хизмати, ижара ҳамда ходимларга иш ҳақи каби тўловларни амалга оширади. Солиқ кодекси лойиҳасидаги тартиб жорий этилса, адвокатура соҳасида коррупцияга йўл очилиб, даромадни яшириш ҳолатлари кўпайди ёки адвокатлик тузилмалари инкирозга учраб ёпилиши бошлайди. Яна бир ташвишланарли жиҳат шундаки, бу ҳолат мурожаат қилаётган фуқаролар ва юридик шахслардан кўпроқ хизмат ҳақи ундирилишига сабаб бўлади.

Партия экспертлари томонидан тақлифлар эътиборга олинмиши таъкидланди. Сайловолди дастурида ҳам прокурорлар ваколатини қисқартириш, уларни «халқ прокуратураси»га айлантириш, халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланди.

Учрашувда иштирокчилар мазму юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб, Сайловолди дастури лойиҳаси учун бир қатор тақлифларни илгари суришди. Мутахассислар Дастур лойиҳасининг айрим бандларини таҳрир қилиш ҳақида батафсил сўз юритдилар.

Барча фикр ва тақлифлар умумлаштирилиб, улардан Дастур лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилиши алоҳида қайд этилди.

Баҳром БУРХОНИДИНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Матбуот хизмати раҳбари

Қуруқ гаплар, асоссиз ғоялар билан ишонч қозонилмайди

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Шу боис ўз дастурида таълим соҳасини устувор деб билган "Адолат" СДП олий таълим муассасаларига қабул квотасини бекор қилиш таклифини илгари сураётганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Фахриддин МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти "Гуманитар ва ижтимоий фанлар" кафедраси профессори, партия эксперти:


— Партия томонидан олий таълим муассасаларига киришда белгилаб қўйилган квотани бекор қилиш ташаббуси ўринлидир. Лекин шу ўринда сифатли таълим тизими-га ҳам бирдек эътибор қаратиш керак. Шу боис квота масаласини босқич-ма-босқич моддий ва техник имкониятлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим. Бу ташаббуслар мақсадли ҳамда манзилли бўлиши керак. Шунингдек, кадрлар етишмаслиги масаласини худудлар кесимида тўлиқ таҳлил қилиш талаб этилади. Масалан, Бўҳоро вилоятида математика фанидан дарс берувчи ўқитувчилар кўп, лекин улар Тошкент вилояти ёки

Сирдарё вилоятига келиб мактабда дарс бермайди, бунинг учун биринчи галда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш керак. Кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун агар квоталар оширилса, супер контракт деган тушунчани бекор қилиш зарурати вужудга келади.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан коррупцияга қарши курашиш масаласи ҳам партия дастурининг асосий йўналиши бўлиши лозимлиги билдирилди. Чунки мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларга қарамай, халқаро индексларда мамлакатимиз рейтингига ўта пастлигича қолмоқда. Ушбу кўрсаткични ижобий томонга ўзгартириш мақсадида партиянинг парламентдаги фракцияси изчил ўрганишлар олиб бориб, аниқ натижаларга эришиши устувор вазифа эканлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Бунинг учун партия мутасадди идоралар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши кураш, жамиятда ушбу иллатга нисбатан мутлақо тоқатсизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз дастурида белгилаш лозимлиги эътироф этилди.

Муҳокамалар жараёнида жамият ва давлат ҳаётида



адолат тамойилини жорий этиш партия дастурининг устувор ғояси бўлиб қолиши таъкидланди. Бунинг учун партия аҳоли орасига янада кенг кириб бориши, уларни ўйлантираётган масалаларни, мазкур соҳадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиши зарур. Шу билан бирга, партия экспертлари томонидан турли йўналишларга бўлинган судларни умумлаштириш таклифи билдирилди.

Бунда фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича ҳудудий судларини бирлаштириш орқали битта маъмурий ҳудудга ягона суд идораси ташкил этилади.

Адхам ЭЛТОЕВ, тадбир иштирокчиси:
— Партия Сайловолди дастуридаги электрон тушунчасини умумий сайловчилар тушунчаси билан алмаштириш лозим. Партия учун сайловлар жараёнида ҳар бир овоз муҳим. Шунингдек, Сайловолди дастури лойиҳасини ихчамлаштириш керак. Дастурда умумий баён тарзидаги қуруқ жумлалардан фойдаланиш, мантқан чалқашликлар сайлов жараёнида номзодлар учун ҳам қийинчилик туғдириши мумкин.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати

"ПАРТИЯ ПАТРОНАЖИ": аъзолар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда

"Партия патронажи" лойиҳаси доирасида шаҳар, туман партия кенгашлари фаоллари қақурувлар асосида хонадонлар ва ташкилотларда бўлиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП сафида бўлишни истаган фуқароларга аъзолик билетини топширмоқда.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 20-умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан ўқитувчилар ва ходимларни партия аъзоллигига қабул қилиш юзасидан чақурув келиб тушди. Мурожаат асосида туман партия кенгаши раиси Воҳид Саитхонов ушбу таълим масканида бўлиб, мактаб жамоаси билан учрашди. Тадбирда партиянинг фаолияти ва мақсад-вазифалари, Сайловолди дастури лойиҳаси, сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари ҳақида атрафлича сўз юритилди. Шу кунги 25 нафар ўқитувчи ва ходимлар сафимизга қўшилдилар.

Тошкент шаҳар партия кенгаши электрон почтасига талаба Дилмурод Ўсаровдан мурожаат келиб тушди, у партиямизга аъзо бўлиш истагиди эканлигини билдириди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ешлик" талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Нилуфар Одилова мурожаатда қайд этилган хонадонга борди.

— "Адолат" партияси ўз дастурида олий таълим тизимидаги долзарб масалаларни кўтариб қийаётгани эътиборимни тортди, — дейди Тошкент Молия институти талабаси Дилмурод Ўсаров. — Менда фаолиятингизга қизиқиш уйғонди.

Сўхбат давомида Дилмуродга аъзолик билети топширилиб, дастурида таълимнинг барча бўғинлари юзасидан амалга оширилиши режалаштирилган мақсад-вазифаларимиз атрафлича тушунтирилди.

Электрон манзилимизга талабалардан келиб тушган яна бир чақурувга кўра, Тошкент шаҳар ҳамда "Ешлик" талабалар шаҳарчаси партия кенгашлари вакиллари талаба Салимжон Отақуевнинг уйида у билан учрашди.

— Партия ходимлари мурожаатимдан сўнг тез етиб келишди, — дейди талаба С.Отақуев. — Улар билан сўхбатлашгач, партияга аъзо бўлдим.

Куйи Чирчиқ туман партия кенгашида ташкил этилган "Партия патронажи" навбатдаги чақурувни қабул қилди. Улар тумандаги "Йилқичи" маҳалласида истикомат қилувчи фуқаро Шаҳзод Марипжоновнинг хонадонида бўлишди.

— Сиёсий партиянинг фаолиятини қузаитиб борамай, — дейди Ш.Марипжонов. — Анчадан бери қайси сиёсий партияга аъзо бўлсам экан, деб ўйлаб юрардим. Ҳар бир партиянинг ғоялари ва ундаги илгари сурилган устувор вазифалар билан яқиндан танишиб чиқдим. "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсади ва ғояларидан кўнглим тўлди.

Шофиркон туман партия кенгашида ташкил этилган "Партия патронажи"га бир кунда ўнча чақурув келиб тушганлиги қувонарлидир.

Масалан, Шофиркон туман мактабгача таълим бўлими томонидан келиб тушган чақурув партия ходимларининг фаолиятини оширди. Натижада мазкур муассаса ходимларидан олти нафари партия аъзоси бўлди.

Шофиркон туман Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашида эса ушбу ташкилотнинг тўрт нафар ходимига партияга аъзолик билети топширилди.

Худудлардан шу мазмунда келаятган хабарлар "Партия патронажи" лойиҳаси партия сафлари кенгайишига амалий ҳисса қўшаётганини кўрсатмоқда.

Дурдона АЛИМОВА,
лойиҳа координатори

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Вақт бамисоли тезоқар дарё, дейдилар. Беш йил аввал, худди шу кунлари навбатдаги сайловларга тайёргарлик қўраётган эдик. Ушунда партиямиздан кўрсатилган номзодлар ёмон натижа кўрсатмади. Халқ депутатлари туман Кенгашида илк бор олти ўринга эга бўлдик. Бу эса депутатлик гуруҳи тузиши имконини берди.

Мана, орадан беш йилга яқин фурсат ўтди. Энди галвирни сувдан кўтариш, ўтган даврда қилинган ишларнинг сарҳисобини чиқариш мумкин. Чўқурроқ таҳлил этилса, ютуқлар қаторида айрим камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар ҳам кўзга ташланади. Буларнинг ҳаммаси биз учун сабоқ бўлади, албатта. Келгуси даврга иш режаларини тузганда уларни ҳисобга оламиз ва ўйлаб-ўйлаб, кейинги натижалар янада юқори самара келтиради.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари турли касб эгаларидир. Масалан, депутатлик гуруҳи раҳбари Саидолим Абдурахмонов журналист, республика ва вилоят газеталарида ишлаган. Айни пайтда "Тараққиёт мезони" газетасининг бош муҳаррири. У маҳаллий Кенгаш сессияларида, доимий комиссия йиғилишларида фаол қатнашиб, муҳокама этилаётган ҳар бир масала бўйича партиядошларимиз фикрини айтишга ҳаракат қилади.

С.Абдурахмоновнинг ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси, ундаги доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига қатор масалалар киритилди. Айниқса, ўтган йил охирида партиядошларимиз умумий ўрта таълим мактабларидаги тиббий хизмат, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланиш даражаси, ичимлик суви етказиб бериш каби ҳолатларни ўрганишларни жамоатчилик томонидан қизгин қутиб олindi. Сабаби — ушбу жараёнда худуддаги таълим муассасалари қамраб олинди. Мавжуд камчилик ва нуқсонларни аниқлашга эътибор қаратилди. Ушбу ўрганишларда депутатлар би-

Натижа, сабоқ ва хулоса

лан биргаликда партия фаоллари ҳам иштирок этдилар. Шу боис халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига батафсил маълумотлар тақдим этилди. Масалан, мактабларда тиббий кўриклар номигагина ўтказилаётгани ошқор бўлди. Уларда тор доирадаги мутахассислар — травматолог, эндокринолог, окулист ва бошқалар иштирок этмаётгани, ҳамма иш педиатрлар зиммасига юклаб қўйилгани аниқланди. Тиббий кўриклар барча ўқувчиларни қамраб олмаётганлиги ҳам қайд этилди.

Масалан, 35-умумтаълим мактабиде Хусанбой Файзуллаев исм-шарифли ўқувчи бор. Маълум бўлишича, унинг бир буйрағида хасталик аниқланганлиги сабабли олиб ташланган. Лекин тиббий кўрик натижалари ўрганилганда, шифокорлар уни соғпа-соғ деб қайд этганликлари депутат ва фаолларимизни ажаблантирди. Ана сизга кўзбўямачилик! Шунга ўхшаш бошқа мисоллар ҳам йўқ эмас.

Ёки айрим мактабларда тиббиёт хоналари ташкил этилмаганлигига нима дейсиз? Бунга 20-умумтаълим мактабини мисол келтирса бўлади.

Сессияда муҳокама қизгин ўтди, кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди, энг муҳимлари қарор лойиҳасига қўшилди. Вазиятни ўнглаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, масала сессияга қўйилгани ва муҳокама этилгани, мазмундор ҳамда таъсирчан қарор қабул қилингани яши. Аммо иш шу билан тугади, деб хотиржам бўлишга ўрин йўқ. Бу ҳақда яқинда депутатларимиз иштирокида ўтказилган йиғилишда фикрлашдик. Олимхўжа Мақсудов, Саидолим Абдурахмонов ва

Абдуллахон Жалилов сессия қарори қандай бажарилаётганини мониторинг қилишни таклиф этишди. Масала депутатлик гуруҳининг иш режасига киритилди. Янги ўқув йили бошланиши билан мактабларда яна ўрганишлар бошлаб юборилди.

Умидаҳон Абдуллаева ҳам фаол депутатларимиздан. У тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Вақт топиши билан кенгашимиз ўтказадиган ўрганишларда қатнашади. Бунга ўзи учун биринчи даражали вазифа ҳисоблайди. Чунки аҳоли билан мулоқотларда ҳаётий муаммолар аниқланади, уларни ҳал этишга кўмаклашиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Сайловчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар депутатлик сўровларига мавзу ҳам бўлади. Масалан, "Навбахор" маҳалласи аҳли билан учрашув чоғида электр таъминотида узиллишлар кўплиги аҳолини қийнаётгани маълум бўлди. Симёғочларнинг аксарияти эскириб, яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланди.

Туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови юборилгач, тез орада амалий ишлар бошланди. Орадан кўп ўтмай 40 та янги темир-бетон устунлар эскирган симёғочлар ўрнини эгаллади. Электр узатувчи симлар ҳам алмаштирилгач, маҳаллада электр таъминоти барқарорлашди.

6-Ифтихор сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Умидаҳон Абдуллаева жорий йилнинг ўтган даврида сайловчиларнинг мурожаатлари асосида 10 та депутатлик сўрови тайёрлаб, тегишли мутасаддиларга юборди. Улардан саккизтаси ўз вақтида ҳал қилинди. Иккитаси бўйича ўрганишлар давом этмоқ-

да. Бу ҳақда депутатимиз яқинда сайловчилар ҳузурига ҳисобот берганда ҳам айтиб ўтди. Кўпчилик унинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органидаги фаолиятини маъқул топганлиги ҳам эътиборга молик.

Депутатлик гуруҳимизнинг яна бир фаол аъзоси — Баҳромжон Ҳайитбоев туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий касалхонада врач бўлиб ишлайди. Депутат сифатида ўз сайлов округидаги аҳоли вакиллари билан доимий мулоқот олиб боради. У маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришни одат қилган. Бир йил аввал кўпчилик билан сўхбатда тўйлар ва бошқа маросимларни камчиқим, ихчам ва дабдабазликсиз ўтказиш масаласи кўтарилганди. Депутат таклифи билан маҳалла оқсоқоллари, хурматли кишилар йиғилиб, маслаҳатлашдилар. Ҳар бир оилавий маросим янги тузилган ишчи гуруҳи билан бамаънаб ўтадиган бўлди.

Эндиликда тўйлар ортиқча дабдабозликларсиз ўтмоқда. Келин-куёвлар учун ўнлаб машиналардан кортежлар ташкил этишга барҳам берилди. Ҳамма маросимлар ихчамлаштирилгани оилаларга фақат фойда бўлди.

Яна бир депутатимиз — Абдукарим Дўсбоев тумандаги таниқли бинокорлардан, кўп йилдан бери "Чортоқархитектурилиш" масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилади. Депутат сайловчилар билан доимий мулоқотда улар билдирадиган таклиф ва мулоҳазаларни эътиборсиз қолдирмайди. Масалан, яқинда бир гуруҳ ота-оналар 1-мактабгача таълим муассасасида шахмат-шашка майдончасини барпо этишда ёрдам сўрашди. Депутат ташаббуси билан таклиф амалга ошди. Бундан ота-оналар ҳам, педагоглар ҳам мамнун бўлишди.

Албатта, депутатларимиз ўтган салкам беш йил мобайнида муайян ишларни амалга оширдилар. Лекин бундан-да яхшироқ ишлаш, залворлироқ натижаларга эришиш ҳам мумкин эди. Келгусида албатта, шу йўлдан борамиз. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидай, "Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади".

Ҳабибахон МИРАБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Чортоқ туман кенгаши раиси

Симёғочлар 47 йил деганда алмаштирилди

ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида Бўстонлиқ туман партия кенгаши фаолларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан жойларда олиб борилаётган юзма-юз мулоқотлар ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, ушбу ишчи гуруҳи аъзолари тумандаги "Қорамозор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда истикомат қилувчи аҳоли билан учрашиб, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганишди.

Эътиборлиси, мазкур мулоқотлар чоғида аниқланган бир қатор муаммолар ижобий ҳал этилиб, фуқароларнинг манфаатлари рўйбга чиқарилди. Хусусан, маҳалланинг "Чах-чам", "Учбов", "Ғижол" қишлоқларида истикомат қилувчи фуқароларнинг маҳаллалар ичида жойлашган симёғочлар 47 йил олдин ўрнатилганлиги, уларни янгисига

алмаштириш зарурлиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан депутат Д.Бахтиёров томонидан туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи номига депутатлик сўрови юборилди. Шундан сўнг амалий саъй-ҳаракатлар бошланиб, депутатлик сўрови асосида "Қорамозор" маҳалласига қарашли учта қишлоқ кўчаларидаги симёғочлар янгисига алмаштирилиб, тунги чироклар ўрнатилди.

Фотима САТТОРОВА,
Тошкент вилоят кенгаши матбуот котиби

ОЧИФИНИ АЙТГАНДА...

Кейинги уч йилда мамлакатимизда кўпгина соҳалар каби олий таълим тизими ҳам жиддий ислоҳ қилинмоқда. Ҳозирги кунда олий таълимга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Инновацион фикрлайдиган талаба ёшларни тарбиялаш кун сайин муҳим стратегик вазифага айланмоқда.

Оширилган контракт, туширилган стипендия —

ҚАНЧАЛИК АДОЛАТЛИ?!

Олий таълим муассасалари ва уларга қабул қилинувчи талабалар сони ҳам тобора ошмоқда. Айниқса, қабул квоталарининг салкам икки бараварга (2015 йилдаги 58 мингдан 2019 йилда 102 минггача) оширилиши олий маълумотли бўлиш илминининг ёшларнинг хоҳиш-истакларини рўйбога чиқаришда муҳим қадам бўлди. Бу каби сон ўзгаришлари, ўз навбатида, келгусида сифат ўзгаришлари учун қулай замин яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тизимда эскилик сарқитларини бар-тарafd этишга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аммо бугунги шиддаткор замонда буларнинг ўзи етарли эмаслигини тизимда ҳали-ҳануз қатор муаммолар сақланиб қолаётгани ҳам кўрсатиб турибди ва бу бизни ташвишга солмасдан қўймайди. Тўғри, ушбу муаммоларнинг ечими ОТМнинг моддий таъминоти, яъни молиявий ресурслар билан изоҳланади. Бироқ аксарият муаммолар ва уларнинг ечими ҳамон инсон омилига боғлиқ бўлиб қолаётганига таянган ҳолда қўйлади.

Энди бугунги кунда тизимда ҳал этилмаган асосий муаммоларга келсак. Аксарият профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти бугунги кун талабаларига жавоб бермайди, уларнинг кўпчилиги ўз устида ишламайди. Профессор-ўқитувчилар учун ташкил қилинган малака ошириш курслари самарасиз ва уларда дарс бераётган профессора савияси паст. Ўз номи билан қайта тайёрлов курслари бўлса-да, уларни тамомлаган профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси деярли ўзгармапти.

Катор ОТМларда коррупция

ва тамағирлик ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Кириш имтихонларида (айниқса, ижодий имтихонлар, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни кўчириш учун ўтказиладиган имтихонларда) таниш-билишчилик, коррупция ва тамағирлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Аксарият ОТМларда жамоатчилик назорати ўрнатилмаган, ОТМ қошидаги Жамоатчилик кенгашлари номини таъминоти билан амалда фаолият юритмайди.

Яна бир долзарб масала — магистратуранинг ҳамон эски тизимда қолаётганлиги, ижобий ўзгаришларнинг деярли йўқлиги, магистратурага кириш имтихонлари билан Давлат тест маркази эмас, балки ОТМнинг ўзи шуғулланаётганлиги ва шу боис, турли қаллобликлар, коррупцион ҳолатларнинг сақланиб қолаётганидир.

Бу каби муаммоларнинг мавжудлиги тизимдаги ислохотлар кутулган натижалар беришини шубҳа остига қўймоқда.

Бу борада аниқ фактларга мурожаат қиладиган бўлсак,

турли негатив (салбий) тенденцияларга дуч келишимиз мумкин. Чунончи, **сўнги пайларда талабаларни дарс вақти ҳисобидан турли-туман маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий тадбирларга жалб қилиш каби ҳолатлар авж олмоқда. Масалан, 2019 йил 13 сентябрь кун Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институти талабалари белгиланган ўқув режа асосида аудиторияда дарс ўтиши ўрнига Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари ва унинг депутатлари иштирокидаги тарғибот тадбирига жалб қилинган. Ажабланишли томони шундаки, ўша кун ичтисослик ва "Ўзбекистон тарихи" ўқув предметидан маърузалар эшитиш ўрнига талабалар Экологик партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари тўғрисидаги тақдидот маросимида иштирок этишган.**

Тез орада мамлакатимизда вакиллик органларига сайлов бўлиб ўтишини ҳисобга олсак, бундай нохуш ҳолатларнинг


кўпайиб боришини тахмин қилиш мумкин. Олий таълим мутасаддилари бунга зудлик билан чек қўйишлари лозим.

Жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлаётган яна бир масала — бу контракт тўловлари миқдори ва талабалар стипендияси муаммосидир. Маълумки, контракт нархлари иш ҳақига боғлаб қўйилган бўлиб, иш ҳақи миқдори ҳар ошганда контракт тўловлари ҳам шунга мутаносиб равишда ошиши белгиланган эди. Жорий йил 1 августдан бошлаб, Президентимизнинг тегишли фармонида мувофиқ иш ҳақи миқдори 10 фоизга оширилди. Контракт тўловлари ҳам шунга мувофиқ 10 фоизга оширилиши керак эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Турли баҳоналар билан контракт тўловлари асосиз равишда таълим йўналишларига қараб, 15 фоиздан 23 фоизгача оширилди.

Мутасаддилар ўйлаб кўрмадиларми, шундоқ ҳам контракт тўловларини тўлашга қийналаётган оилаларга бундай қандай тушунтиришимиз мумкин? Биз депутатлар энди ота-оналарнинг кўзига қандай қараймиз?

Шу каби вазиятни стипендиялар масаласида ҳам кузатиши-

Мухтасар айтганда, олий таълим тизими мутасаддилари соҳада бир талай муаммолар борлигини, мамлакатимиз Президенти ва халқимизнинг ишончи оқлай олмаётганликларини тўлиқ англаб етишлари лозим. "Томшақа юриш", муаммолардан кўз юмиш, "кўзи кўр, қулоғи қар" бўлиб юриш била иш битмайди. Айниқса, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги палласига қираётган ҳозирги ўта муҳим бир пайтда мутасадди раҳбарлар ўз зиммасида янада катта масъулият турганини чуқур ҳис этмоқлари лозим.



Қодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

ЎСИБ


Ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясида умумтаълим мактаблари алоҳида ўрин эгаллайди. Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган чуқур ислохотлар таълим сифатини ошириш, ўқув масканларида зарур шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда бир қатор умумтаълим мактабларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

53 йил деганда таъмирланган мактаб ошхонасига пул ажратилмаганми?

Ҳўш, қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланиш учун топширилган мактабларнинг янги ўқув йилги ҳолати қандай? Шу саволга жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Саматов ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши вакиллари Шайхонтоҳур туманидаги 192-умумтаълим мактабидаги шарт-шароитларни ўрганишди. Мазкур таълим маскани биноси 1966 йилда қурилган бўлиб, сўнги йилларда таъмирлаб аҳволда эди.

Жорий йилда мазкур мактаб биноси давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ қайта таъмирланиб, янги ўқув йилида фойдаланиш учун топширилди. Бироқ шу ўринда саволлар туғилади. Мактаб биносида таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилдими? Реконструкциядан сўнг мактабдаги шарт-шароитлар белгиланган талабларга жавоб бера оладими? Ўқувчилар учун синфхоналарда қандай қулайликлар яратилди?



— Ўрганишлар жараёнида тегишли мутасаддилар томонидан бинодаги капитал таъмирлаш охирига етказилмаганлигига гувоҳ бўлдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Саматов. — Хусусан, мактабнинг Ахборот-ресурс маркази, спорт зали, кийиниш хоналаридаги таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим жараёнида ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Шунингдек, кимё ва физика лабораториялари техник жиҳозлар билан таъминланмаганлиги кузатилди. Мавжуд ускуналар ҳам ўтган йиллар ичида яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги аниқланди. Энди бир ўйлаб кўринг, ана шу эскирган техника билан кимё, физика ва биология дарсларида лаборатория машғулотларини қандай ўтказиш мумкин?

"Тегма, тўкиламан" ҳолидаги асбоблар билан лаборатория машғулотини да дарс сифатли ташкиллаштиришига ким қарор беради? Албатта, бу ачинарли ҳол. Бироқ, айтиш керакки бизнинг фарзандларимиз мана шу хоналарда билим олишмоқда. Шунингдек, 960 ўринга мўлжалланган мактаб ошхонасида гигиеник қоидаларга риоя қилганлиги маълум бўлди. Ўқитувчилар билан суҳбат чоғида ушбу ошхона ишчи-ходимлар ҳамда маҳалла аҳли билан ҳашар йўли орқали қурилганлиги аниқланди.



Синфхоналар кўздан кечирилди экан, "Информатика" хонаси ҳам назардан четда қолмади. Очиғи, бугунги технология ривожланган даврда мактабда компьютер етишмаслиги кишини ҳайрон қолдиради.

— Мактабимизда 1088 нафар ўқувчи таълим олмақда, — дейди ўқитувчи Наима Мансурова. — Бироқ дарс жараёни учун бор-йўғи 15 дона компьютер ажратилган. — Ўрганиш давомида синфхоналар пол қисмининг яроқлилик ҳолатини текшириб кўрдик, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Баҳром Валиев. — Шунингдек, ювиниш хонасида қайта таъмирлаш ишлари охирига етказилмаганига гувоҳ бўлдик.

53 йил деганда таъмирланган таълим масканида ишлар тўлиқ охирига етказилмагани адиолатданми? Бунга ким масъул эди? Ижрочи мутасаддиларми ёки мактаб маъмурияти?


Аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳозирда ишчи гуруҳ вакиллари масъул ташкилотлар билан зарур ишларни олиб бормоқда. Умид қиламизки, яқин кунларда чала қолган таъмирлаш ишлари ижрочилар томонидан охирига етказилиб, мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча қулайликлар яратилади.

Моҳимбеғим Тешабоева,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар кенгаши ижрочи котиби

Барча турдаги таълим йўналишларида янги ўқув йили оdatдагига нисбатан анча кўтаринки кайфиятда бошланди ва давом этмоқда, фақатгина олий таълим муассасалари бундан мустасно. Чунки талабалар учун стипендия миқдори бирхиллаштирилган ҳолда жуда кам қилиб белгиланиши талабаларнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Талабани КИМ ўЙЛАЙДИ?

Август ойининг охириги ўн кунлигида касбий фаолиятим туфайли meninglikim.uz жамоавий мурожаатлар портали вакиллари маъруза қилган бир тадбирда иштирок этдим. Мазкур тадбирда бу йил нега олий таълим муассасалари учун белгиланган контракт миқдори эълон қилинмаётганлиги, meninglikim.uz жамоавий мурожаатлар порталида контракт суммаларини камайтириш юзасидан қўйилган тақлиф белгиланган 10 000 дан ортиқ овоз тўплаган бўлса-да, ҳукуматнинг масъул вакиллари томонидан кўриб чиқилмаётганлиги тўғрисида савол берилди. Шунда портал муассасининг раҳбари мазкур тақлиф Вазирилар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилаёт-



қуриб чиқилиб, бу ҳақда маълумот эълон қилиниши, масалалар аниқлик киритилишини кутгандим. Чунки, кейинги пайларда Вазирилар Маҳкамаси қарорлари ўзгариб туриши янгилик бўлмай қолди.

Аммо 10 сентябрь кун олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари томонидан бугун олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабалар учун бир хил миқдорда стипендия жорий қилинганлиги, айнан талабаларнинг истаги асосида шу қарорга келингани таъкидланди.

Майли, қора рангнинг оқлигини қандай исботлаш уларнинг иши. Мен талаба эмасман, аммо талабаланиқ даярини бошимдан ўтказганман. Шу боис бу борадаги айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашсам.

Биринчидан, мазкур қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) га қўйилганми? Нега айрим (бирор йўлини қилиб олий таълим даргоҳига кириб, бу ёғига ҳам ўзлаштиришни истамаган) талабаларнинг истақларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилинган, деган савол туғилади. Модомики, талабалар истаги деярли таъкидланган экан, бу қарор лойиҳа сифатида кенг жамоатчилик, жумладан, талабалар муҳокамасига ҳам қўйилиши шарт эди.

Иккинчидан, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларга тўсиқ бўлаётган энг катта муаммо — бу кадрлар етишмаслиги ва мавжуд кадрларнинг интеллектуал салоҳияти юқори эмаслигидадир. Шундай шароитда талабаниқ ўқишдан кўнглини совитишдан ким ва қандай наф топади?

Бу ҳолатда талабаларга илм олиб, етук кадр бўлишдан кўра ўз вақтида контракт пулини, ижара ҳақини тўлашда оиласига ёрдамлашиш учун қўшимча ёлланма меҳнат қилиш асосий муаммога айланиб қолмайдими? Буларнинг барчаси шундоқам танқидий фикрларга сабаб бўлаётган олий таълим сифати янада пастайиб кетишига олиб келмайдими?

Учинчидан, нега талаба ўзи ҳақиқ бўлган маблағни кимнингдир тавсияси орқали олиши керак? Ахир бугун жамиятимизда коррупцияга қарши курашишнинг энг таъсирчан усули — ҳар қандай соҳада инсон омилини камайтириш, электрон ҳукумат тизимини жадаллаштириш талаби бўлиб турган бир вақтда буйруқбозликни кўпайтиришдан кимга қандай манфаат бор? Ректорлар кимга қанча қўшимча стипендия ажратиш ҳақида бош қотиргандан кўра, ўзи раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртида таълим



Фаррух Абдуҳамидов,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Матбуот хизмати
масъул ходими

сифатини қандай ошириш, қайси халқаро рейтинг юқори ОТМлар билан ҳамкорлик қилса талабаларига кўпроқ манфаатли бўлиши, тўланган контрактдан талабаларга кам стипендия тўлаш эвазига қопланаётган 68 фоиз фойдани ошириш ўрнига ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиш ҳақида бош қотиришса яхши бўлмайдими?

Тўртинчидан, нега ўзгаришлар фақатгина Тошкент шаҳри ва бюджет ташкилотларида ишлайдиган ходимларнинг даромадларидан келиб чиқиб белгиланмоқда? Наҳотки, улар республикамизнинг олис ҳудудларида бўлмаган мактаб ва ҚВПдан бошқа бирор-бир бюджет ташкилоти фаолият олиб бормаيدиган ўн минглаб қишлоқларни, бир қанча аҳоли ишсизлик, моддий етишмовчиликдан азият чекиб яшаётганини кўрмаган? Ёки улар у стипендиядан бу стипендиягача аранг етиб оладиган талаба бўлмаганмикан?

Олий ва ўрта махсус таълим вазириги мутасаддилари тизимдаги ислохотларни талабаларнинг истак-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориши маъқул кўрса, талаба-

Хулоса қилиб айтганда, қайсидир соҳадаги хатоларни тузатиш мумкин. Аммо таълим ва тарбиядаги хатони тўғрилашнинг бирдан-бир йўли бутун бошли авлод алмашинуви билангина амалга оширилади. Бунинг унутмаслик керак.

ТАХРИРСИЗ ХАТ

Хурматли «Adolat» газетаси тахририяти ходимлари!
Мен газетани мунтазам ўқиб бораман. Сизларнинг юртимизда АДОЛАТни қарор топтириш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш, товламачиларнинг кирдикорларини очиб ташлаш йўлидаги ибратли ишларингиздан кўпчилик миннатдор. Мен ҳам Қашқадарё вилоятидаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларидан нажот тополмагач, «Adolat»чиларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Фирибгарлар тузоғига илиндим...

Мен оддий бир тадбиркорман. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлсам-да, элга хизмат кўрсатиб келяман. Саъй-ҳаракатларим туфайли бир неча кишини иш билан таъминладим. Улар ишлаб, рўзгорларига барака киргани учун мендан миннатдор. Ўзимнинг ҳам даромадим ортиб, яхши яшай бошладим.

Аммо кейинги пайтда соғлигим ёмонлашди. Шифокорлар чет элда даволанишни маслаҳат беришди. Соғлигимни тиклаш мақсадида дўконларимдан бирини 190 000 000 сўмга сотишга мажбур бўлдим. Ўзим декабрь ойида Ҳиндистонга даволанишга кетишим керак эди. Бундан хабардор бўлган фирмамиз бухгалтери А.П. ҳамтовови С.О. билан бу пуллари ўзлаштиришни кўзлаган экан.

Улар биргаликда 2018 йилнинг 26 сентябрида олдимга келишди. С.О:

— Опа, менга пул жуда зарур, сиз декабрь ойида Ҳиндистонга кетар экансиз. Унгача 150 миллион сўм бериб турсангиз. Бир ой ичيدا қайтараман. Ишончи бўлиши учун «Captiva» русумли машинами гаров сифатида қолдираман, — деди.

Бухгалтерим А.П. унинг гапини тасдиқлади.

Мен уларга ишониб, биргаликда Қарши шаҳридаги Насаф кўчаси, 2-уйда жойлашган 1-сонли давлат нотариал идорасига бордик. У ерда катта нотариус М.Кенжаева иштирокида 2018 йил 26 сентябрда қарз шартномаси тузилди.

Унга қўра, «2018 йилнинг 26 сентябрида 2018 йилнинг 26 октябрида қайтариш шарт» билан С.О.га 125 миллион сўми гувоҳ А.П. ва М.Кенжаева иштирокида бердим.

Шуниси ажабланирлики, тажрибали катта нотариус М.Кенжаева қарз шартномаси тузишда гаров қўйиш лозимлиги ва гаров шартномада қайд этилиши кераклиги ҳақида ҳеч нарса демеди. Бир неча муддат ўтиб, С.О. ва А.П. уйимдан «Captiva» автомашинасини ўғирлаб кетишди. Мен бу ҳақда ички ишлар бўлимига мурожаат қилдим. Улар машина гаровга берилганлиги ҳақидаги тилхатни инобатга олмай, «бу ҳақда қарз шартномасида ҳеч нарса дейилмаган», деган ваз билан чора кўришни рад этишди.

Хуллас, ўз кўлим билан берган пулим орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳалигача қайтарилгани йўқ. Фирибгарларнинг найранглари туфайли даволанишга бора олмаганлигим сабабли соғлигим янада ёмонлашди.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қатор фармон ва қарорлари туфайли мен каби кўплаб тадбиркорларга эл-юрт тараққиётини ривожлантириш билан бир қаторда, ўзлари ҳам бой-бадавлат яшашлари учун катта имкониятлар яратилди. Бунинг учун Юртбошимизга минг раҳмат! Аммо айрим қаллобларнинг найранглари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг ҳафсаласизликлари тадбиркорларда ўз меҳнатлари қаттиқ ҳимояланганлигига шубҳа уйғонишига сабаб бўлмоқда. Умид қиламанки, «Adolat» газетасининг аралашуви билан ҳақиқат қарор топиб, пешона тери эвазига топган пулим ўзимга қайтарилади.

Кумри ЖОНҚОБИЛОВА, Қарши шаҳридаги «Киличбек» кўрғончаси, 4-А уйда яшовчи, 2-гуруҳ ногирони

ТАХРИРИЯТДАН: Албатта, газетамиз адолат тарозиси посангилари вазинни ўлчаш ваколатига эга эмас. Юқоридики келтирилган шикоятда ҳам томонларнинг қай бири ҳақ эканлигини одил суд ҳал этди, деган ишончимиз бор. Шу сабаб айбланаётган томоннинг исм-фамилияларини тўлиқ келтирмадик. Бироқ тахририятда мавжуд ариза матни тегишли идораларга юборилди. Шу ўринда бизни бир ҳолат ўйлантиради. Кейинги пайтлари фирибгарлик жинояти уриб кетди. Ҳатто, айтиш мумкин, бу жамиятнинг катта муаммосига айланади. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Нега одамларни алдаб, чув туширишга уста кимсалар кўпайиб қолди? Нега ўзгани, бегона у ёқда турсин, ҳатто яқин хеш-уругини алдаб пул топиш уят бўлмай қолди? Уят, андиша, номус, ор тушунчалари ўз қадрини йўқотмоқдами?.. Келинг, азиз газетхон, шу мавзуда фикрлашайлик, мулоҳаза юртайлик.

Судлар одамларни сарсон қилиш учун эмас, адолат учун хизмат қилиши керак

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Уч йил давомида амалга ошираётган ислохотларимизнинг ўзагини айнан жамият ва давлат ҳаётида адолат тамойилини жорий этиш ташкил этмоқда. Аммо бу соҳада йиллар давомида эътибор қаратилмаган талайгина муаммолар йиғилиб қолганки, бу ҳолат аҳоли орасида кўп норозиликларга сабаб бўлмоқда. Зеро, халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидамайди. Бунинг ҳис қилган ҳолда партия аҳоли орасига кенг кириб бориши, уларни ўйлантираётган масалаларни биргаликда ҳал этиши лозим.



Шухрат ПОЛВАНОВ, Қонунийлик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси, Экспертлар гуруҳи аъзоси

Шу мақсадда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳудудларда, бошланғич партия ташкилотларида, маҳалларда янги дастурлари лойиҳасини кенг муҳокамадан ўтказмоқда.

Муҳокамалар жараёнида билдирилган тақлифлар партия экспертлари томонидан йиғиб олинмоқда. Айни жараёнларда суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича ҳам кўплаб тақлифлар келиб тушмоқда.

Ҳозирги кунда ҳудудларда ва туман (шаҳар)ларда фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича судлар фаолият юритмоқда. Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича 2 та ёки 3 та туманда битта туманлараро суд фаолият юритмоқда. Фуқаролар эса қай бирига мурожаат қилишни билмай ҳайрон.

Яна амалиётда шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, ойлар давомида судда маълум бир иш кўрилади-да сўнгра бизга эмас, бошқа судга таллуқли экан, деб қайтариб

юборилади. Табиийки, буларнинг барчаси фуқароларимизнинг сарсонгарчиликларига сабаб бўлмоқда.

Шу боисдан бошланғич партия ташкилотларидан келган турли йўналишларга бўлинган судларни умумлаштириш тақлифи экспертлар томонидан алоҳида қизиқиш билан ўрганиб чиқилди.

Бунда фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини бирлаштириш орқали битта маъмурий ҳудудда битта суд идораси ташкил этилади.

Шунингдек, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар судларини бирлаштириш, туманлараро фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларни тугатиб, аҳоли сони ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, ушбу тоифа ишлар бўйича туман, шаҳар судларига судья штати ажратилиш орқали туман (шаҳар)ларда ҳам битта суд идораси ташкил этилади.

Натижада туман, шаҳарларда

тўртта суд ўрнига битта суд идораси ташкил этилади, учта суд раиси штати қисқартирилади. Судьялар тайинланган тоифаси бўйича жиноий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўради.

Бундан ташқари, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларга даъво ариза топшириш ва ишларни кўриш жараёнида фуқароларни бошқа туманларга катнаб ёки тоифа бўйича суд идораларини қидириб сарсон бўлиб юришига, йўл, меҳмонхона каби харажатлар учун моддий зарар кўришига барҳам берилади.

Юқоридикиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси экспертлари томонидан тайёрланаётган Сайловдиди дастурига судларни бирлаштириш тақлифи киритилмоқда.

ЎҒРИ САККИЗИНЧИ МАРОТАБА БОСҚИНЧИЛИККА ҚЎЛ УРДИ

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Оилада фарзанд туғилса, ота-онаси ва яқинлари унинг ҳар жиҳатдан қамол, эл ардоғидаги инсон бўлиб вояга етишини истайди.

Аммо фарзанд фақат яхши истак билан тарбияли бўлиб қолмайди. Қачонки, ота-она кичкиналигидан унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини тўғри йўналтирса, тарбиясига эътиборли бўлса, ўзи ҳам унга ўрناк кўрсатсагина мақсадга етади.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида яшовчи Мамлакат Зарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган — тахририят) ўғли Шохруз Зариповни ёлғиз ўзи вояга етказди, уни бекаму кўст ўстиришга ҳаракат қилди, аммо унинг тарбиясига эътиборсизлик қилди. Ҳатто Шохрузнинг ўсимирлик чоғи юриш-туришида жиддий нуқсонлар кўзга ташлана бошлаганида ён-атрофдагилар уни ўғлининг номаъқулчиликларидан хабардор ҳам қилишди. Бироқ Мамлакат опа қўни-қўшинининг бу гапларига эътибор бермади, эркатой ўғлини тергаб, оёқ олишини кузатмади. Йиллар ўтиб бу эътиборсизлик ўз мевасини берди...

Бугун Ш.Зариповни таниган билганлар билан суҳбатлашсангиз, уни ўғри йигит сифатида тилга олишлари шубҳасиз. Чунки у бугунгача — яъни 22 ёшигача 7 маротаба фақат ўғирлик жиноятини содир қилгани учун судланадиган «улгурган». Энг ачинарлики, Шохруз дастлаб жиноят кўчасига қадам қўйганида, яъни биринчи бор ўғирликка қўл урганда эндигина 14 ёшда эди. Ушанда унинг вояга етмаганлиги инобатга олинди, жарима жазоси тайинланган. Лекин тарбияси кемит бўлган йигитча бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган. Аксинча, ўтган 8 йил мобайнида яна 6 маротаба ўғирлик қилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Хусусан, сўнгги маротаба унга жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2015 йил 10

июндаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» бандига мувофиқ, кодекснинг 59-моддаси тартибиди 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судининг 2017 йил 21 июлдаги ахримига асосан эса ўғалмай қолган 3 йил 1 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган.

Доно халқимиз «Букрини гўр тузатади», деб бежиз айтмайди. Ш.Зариповнинг ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ жараёнида саккизинчи жиноятга, яъни ўта оғир жиноятлар сирасига кирувчи босқинчилик ва транспорт воситасини олиб қочиш жиноятларига қўл урганидан воқиф бўлган киши беҳитиёр ана шу нақлни ҳаёлидан ўтказди.

Аниқланишича, ўша кун Шохруз тонга яқин — соат 3⁰⁰ларда юзига қора рангли никоб таққан ҳолда ошхона пичоғи билан қуролланиб, Тўрақўрғон тумани «Бирлашган» маҳалласида яшовчи Сайдулло Мирзаевнинг хонадонига гайриқонуний равишда кирди. Уни қўрган хонадон соҳибининг қизи кўрқувдан бақриб юборади. Унинг овозидан чўчиб уйғонган Сайдулло ака ховлига чиққанида никобли кимса қизининг хонаси ёнида турганини кўриб, уни қизидан узоқлаштириш мақсадида ховлининг нариги тарафига «қўрқиб» қочган каби югурди. Шохруз унинг ортидан қув-



лайди. Аксига олиб, шу пайт Сайдулло Мирзаев ҳоқилиб йиқилди. Натижада Шохруз Зарипов қўлидаги пичоқ билан унга таҳдид қилиб, пул талаб қилади. Оиласининг, фарзандларининг ҳавфсизлигини ўйлаган Сайдулло Мирзаев дарвозахонада турган автомашина юқонасидан 5.000.000 сўм пул олиб беришга мажбур бўлади. Босқинчи пулни олади-ю, уйдан чиқиб кетади.

Бу воқеадан бир ҳафта вақт ўтиб, Ш.Зарипов яна «фаолият»-ни давом эттиради. Тун ярида никоб кийиб, пичоқ билан қуролланган ҳолда туманининг «Шарк» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммадонус Носиралиевникига бостириб қиради. Табиийки, бу маҳалда М.Носиралиев ҳам ҳамма қатори ухлаб ётганди. Шунинг учун «меҳмон» унинг бўйнига пичоқ тираб уйғотади.

— Пулдан чиқар! — дейди у ўзини танитмаслик учун ортиқча гапирмай.

— Пул онамнинг ётоғида, — дея нариги хонага ишора қилади кўрқувдан ранги оқариб кетган Муҳаммадонус ака. Аммо у онаси С.Мухомедовани туртиб уйғот-ғанда ўғлига никобли босқинчи пичоқ тираб турганини кўриб, боя-

ОГОҲЛИК

Республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқлар ва маҳаллаларида фуқаролар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар тақдирига бефарқлик — келажакка бефарқлик

Бунда нафақат республикамиз ички ишлар органлари ходимлари, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, маҳаллий ҳокимлик, Хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги бўлимлари, Ёшлар иттифоқи, жамоатчилик вакиллари ва маҳалла фаоллари ҳам жиҳатлиқда иш олиб бормоқда. Улар ҳамжиҳатликда жиноятлар сабабларини чуқур таҳлил қилиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойиллиги бўлган оилаларни ўрганоқда.

Ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан қўл урилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлат ва нодавлат, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари профилактика инспекторлари билан биргаликда болаларнинг назоратсиз қолиши олдини олмақда.

Ҳозирда ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янада кенгроқ эътибор қаратгани боис жойларда жиноятлар сони камайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва унинг қўйи тизимларида хизматдаги ходимлар томонидан олиб борилаётган ана шундай жадал ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида республика бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 32,9 фоиз камайишига эришилди. Бу дегани 2018 йилнинг 7 ойида вояга етмаганлар томонидан 438 та жиноят содир этилган бўлса, улар сони бу йилнинг 7 ойида 298 тани ташкил этган.

Урганишлар даврида профилактика ҳисобда турганлар сони

3 620 нафардан 3 333 нафарга туширилди. Шунингдек, профилактик тадбирлар натижасида вояга етмаганларни жиноят содир этишга мажбур этувчи омилар ҳам инобатга олинган ҳолда, болалар билан алоҳида профилактик ишлар олиб борилмоқда. Профилактик ҳисобда турган вояга етмаган болаларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатуви ота-оналар билан суҳбат ўтказилиб, уларга фарзандларининг жиноят содир этишининг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари олиб ўтказилмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли ёт гоа ва жиноий хатти-ҳаракатлардан асраш мақсадида қизиқишидан қолдиб қиб, турли тўғараклар ташкил этилмоқда.

2019 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида республикамиздаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилардан 220 нафари, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 97 нафар ўқувчиси, ўқимасдан ва ишламасдан юрганларнинг 21 нафари ҳамда ишлайдиган ёшларнинг 19 нафари жиноятлар иштирокчисига айланган бўлиб қолган.

Бугунги кунда ёшларнинг тақдирига бефарқ бўлиш мамлакат ва миллат тақдирига бефарқ бўлиш билан баробар. Уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш, ҳар биримизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Мирзо Улуғбек МАДАЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси ходими

Албатта, суд мажлисида Ш.Зарипов қилган ишдан пушаймонлигини билдирди. Қолаверса, автомашина олиб қочиш мақсади бўлмагани, балки воқеа жойидан тезроқ ва узоқроққа кетишни ўйлаб миниб кетганини, шунингдек, М.Маматовнинг хонадонига ушланган, аввалги жиноятларига ўз хоҳиши билан иқдор бўлганини маълум қилиб, суддан енгиллик беришни сўради. Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди жазо тайинлашда мазкур ҳолатларни ҳамда аввал ўғалмай қолган ахлоқ тузатиш иши жазосини ҳам инобатга олиб, Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «а, в»-бандлари ва 267-моддаси 2-қисми «в»-банди билан айбдор деб топиб, узил-кесил 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Шуни тасоффус билан айтиш лозимки, жиноятчининг онаси ҳатто суд мажлисида ҳам келмади. Ҳақли савол туғилади: она бўлмиш шу даражада лоқайд экан, нега маҳалла фуқаролар йиғини ёки профилактика инспектори ва бошқа жамоатчилик вакиллари бунга томошабин бўлиб туришди? Нима сабабдан бу оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш чораларини кўришмади?

Жиноят иши ҳужжатларидан аён бўлишича, Ш.Зарипов айни пайтгача бирор жойда ишламаган. Хўш, нима учун масъуллар ҳеч йўқса жиноятчи йигитнинг бандлигини таъминлашмаган? Ваҳоланки, доимий иш билан банд бўлган шахс моддий жиҳатдан таъминлангани боис ўзгалар мулкига қўз олайтирмайди.

Ажабмас, бу гап Шохруз жазони иқро этиш муассасасидан қўзи очилиб қайтса.

Хайрулло ҲАЗРАТҚУЛОВ, Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди раиси. Хуршид СУЛТОНОВ, журналист

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Коррупция муаммоси ва унга қарши кураш масаласи ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу иллатнинг кенг қўлч ёйиши ўта салбий оқибатларга олиб келади. Коррупция, хусусан, демократик жараёнларнинг амалга оширишига тўсқинлик қилади, иқтисодий ривожланишнинг секинлашиши, кадрлар сифатининг пасайиши ва оқибатда барча соҳаларнинг оқсашига, уюшган жиноятчиликнинг илдиз отишига, ҳукуматга бўлган ишонч йўқолиши ва ижтимоий-сиёсий беқарорликка сабаб бўлади.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ

Шунинг учун порахўрликка қарши ҳар бир давлат ўз ҳолича курашиб келади ва қайси-дир давлатда коррупцияга дей-ярли барҳам берилган бўлса, яна қаердадир бу иллатга қарши кураш давом этмоқда.

Ўзбекистон 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига, 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳам-корлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунинг-дек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриломоқда.

Коррупция билан боғлиқ жиноятчиликнинг хавфсизлик ва жамият тараққиётига соладиган кўйидаги таҳдидлари мавжуд:

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакат-



нинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар еткази.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади. "Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир", деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратди. Ислохотлар даврининг муайян қийинчиликларида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ,

деган мутлақо ахлоққа зид нуқтан назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин.

Тўртинчидан, "Пул ҳокимиятга интилади", деган бир ибора бор. Лекин бу пул жиноий йўл билан топишган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий фахр-хатарлардан биридир. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чапиши кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздики фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Бу давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Мамлакат ичарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирилган жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш

лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан кўриқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, уммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни кўзгатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг "Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса бўлгани", қабилидаги маслаҳи худбинлиқнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лойқалликнинг яққол кўринишидир.

Олтинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар оз эмас. Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан инсониятнинг адолат ва демократия каби олижаноб идеалларига нақадар жиддий зарар етказётганларини, ўз халқлари ва мамлакатлари шаънига доғ тушираётганларини айтиб ўтиришнинг ҳожа-ти бормикин?

Еттинчидан, жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашу, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчи-тиб қўяди. Натижада мамлакат фойда муҳим капитал манбаълар манбаидан, технологиялар ва тажрибадан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, соф қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқаро хуфий ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизиқадиған ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади.

Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев: "Жамия-

тимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур"лигини қайта-қайта ўқирди. "Халқимиз азалдан юксак кадрлар келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз ҳисоблаймиз", деб таъкидламоқда. Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилди.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 3 январда имзоланган ва 2017 йил 4 январда матбуотда эълон қилинган бўлиб, 6 боб, 34 моддадан иборат.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида коррупцияга қўйиладиган таъриф берилган:

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қўйиладиган иборат:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очилиқ ва шаффоқлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажаги ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир миллат, ҳар бир фуқаро жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

Дилшод АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар 8-сон ДНИ нотариуси



"ТАСС" хабарига кўра, Кримдаги барча шаҳар ва туман маъмуриятлари раҳбарлари истеъфога чиқди.

Крим раҳбари Сергей Аксенов 17 сентябрь кунининг Facebookдаги саҳифасида "Бугун Крим шаҳар ва вилоятлари маъмурият раҳбарлари истеъфога чиқишга чақирилди. Бундай қарор янги жамоани, шу жумладан, жойларда ташкил этиш зарурати билан боғлиқ ҳолда қабул қилинди. Барча маъмурият раҳбарлари маҳаллий кенгашларга тегишли баёнотлар билан мурожаат қилди", деб ёзган.



Крим таркибида ҳозирда 11 та шаҳар, 4 та шаҳарча ва 14 туман бор. Аксеновга кўра, яқинда янги сайланган депутатлар қонун ҳужжатларига ва муниципалитетларнинг уставларига мувофиқ шаҳар туманлари ва туман шаҳарлари сессиялари доирасида маъмурият раҳбарлари лавозимларини тўлдириб бўйича танловлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчиликка мувофиқ, маъмурият раҳбарлари Давлат кенгаши ва маҳаллий ҳокимият органлари сайловлардан кейин истеъфога чиқади. 8 сентябрь кунининг Давлат кенгаши сайловлар бўлиб ўтди, уларда сайловчиларнинг 33,26 фоизи қатнашди. Энг кўп овозни "Ягона Россия" минтақавий бўлими — 54,70 фоиз, Либерал-демократик партияси — 16,84 фоиз, Коммунистик партия — 8,22 фоиз, қолганлари — 5 фоиздан камроқ овоз олган.

"Ягона Россия" партияси 60 та, Либерал-демократик партиясидан 10 та ва Коммунистик партия Крим парламенти депутатларининг беш мандатига эга бўлди. Кримда Давлат кенгашига сайловлар билан бир қаторда Симферополь шаҳар кенгашида ва бошқа муниципалитетларда ҳам сайловлар бўлиб ўтди.

Бугун республика раҳбари ва парламент раҳбари сайловлари бўлиб ўтди. Амалдаги қонунларга мувофиқ, республика раҳбарини давлат раҳбари томонидан тақдим этилган учта номзод орасидан Давлат кенгаши депутатлари сайлайди.

Россия Президенти Владимир Путин Крим Давлат кенгашига ушбу лавозимда 2014 йил октябрдан бери ишлаб келатган Сергей Аксенов, Россия Федерацияси Коммунистик партияси Крим Рескомининг биринчи котиби Сергей Богатиренко ва ЛДПРдан Давлат Думаси депутати Павел Шпиренко номзодларини тақдим этди.

"The New York Times" нашрига кўра, АҚШ ҳарбийлари Яман хусийлари жавобгарликни зиммасига олган ҳужумдан аввал Эрон жануби-ғарбдаги ҳарбий базаларга фавуқолда фаолликни кайд этган. Бу эса ҳужумга тайёргарлик аломати бўлиши мумкин.

Шунингдек, Саудия Арабистонида портлаган ракеталар бўлаклари уларнинг парвози йўналишини тахминан белгилаш имконини берган. Вашингтон дронлар Эронда учиргани, сўнг бироз вақт Ироқ ҳаво ҳудудига кириб, Форс кўрфазини шимол томондан айланиб ўтган деб ҳисобламоқда.

Бирок, АҚШ разведкасида бу ҳолат юзасидан ҳали аниқ далил-исбот йўқ ва Вашингтон Саудия Арабистони ҳарбийлари олиб бораётган текширув яқунларини қуттишга қарор қилган.

"Hindustan Times" газетаси хабарига кўра, Ҳиндистоннинг молия ва корпорациялар ишлари бўйича вазири Нирмала Ситарам мамлакат ҳудудида электрон сигареталарнинг тақиқла-нишини эълон қилди.

"Электрон сигареталар билан боғлиқ ишлаб чиқариш, импорт, экспорт, етказиб бериш, сақлаш, реклама қилиш каби барча ҳаракатлар тақиқланади", деб таъкидлади маҳкама раҳбари.

Маъмур қарор электрон сигарет чекувчилар ўпка касаллигидан вафот этаётгани ҳақидаги хабарлардан сўнг қабул қилинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, Ҳиндистон анъанавий тамаки маҳсулотлари истеъмоли бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Лекин мамлакатда электрон сигареталар у қадар оммалашмаган.

"Kaztube" нашри хабарига кўра, Қозғистон президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ташқи ишлар вазири лавозимига вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига ишлаб келатган Мухтор Тлеуберди тайинлади.

Тоқаевнинг бошқа бир фармони билан бунгача ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган Бойбурт Атамқулов Қозғистоннинг саноат ва инфратузилмавий ривожланиш вазири лавозимини эгаллаган.

Тегишли фармон президент сайтида жойлаштирилган.


АҚШ президенти Дональд Трамп ўзининг Твиттерда:

"Мен ҳозирда давлат департаментида президентнинг гаровга олинганлар масалалари бўйича махсус вакили бўлиб ишлаётган Роберт О'Брайенни миллий хавфсизлик бўйича янги маслаҳатчимиз этиб тайинлашимни эълон қилишдан хурсандман. Роберт билан узоқ вақтдан бери ишлайман. У бу ишни аъло даражада удалайди!", деб ёзди.

АҚШ президенти миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчисини сенат тасдиқловисиз тайинлай олади. Трамп президентлиги вақтида О'Брайен ушбу лавозимини эгаллайдиган тўртинчи амалдор.

NTV телеканали хабар бериш-ча, Истанбул шаҳрида жойлашган полиестер заводига портлаш юз берди.

Унинг кетидан ёнғин бошланган. Ёнғинни ўчиришга 50 та ўт ўчириш бригадаси жалб қилинган. Портлаш 18 сентябрь кундузи юз берган. Атмосферага хавfli кимёвий моддаларнинг тушиши эҳтимоли юқорилиги сабабли яқин атрофдаги аҳолидан деразаларни очмаслик ва ташқарига чиқмаслик сўралган. Портлаш сабаби аниқлаштирилмоқда.



ТУРИЗМ

Жорий йилнинг 18 сентябрь кунининг эрта тонгда "Келес" темир йўл чегара-божхона постига кириб келган йўловчи поезд шу турдаги оддий поездлардан фарқ қилади. Чунки у йirik немис сайёҳлик компанияларидан бири томонидан уюштирилаётган махсус туристик поезд ҳисобланади.

Махсус туристик поезд Тошкентда

Одатда, пойтахтимизга четдан кириб келадиган халқаро рейслардаги поездлардаги йўловчилар марказий вокзалга келишдан аввал "Келес" чегара-божхона постида божхона назорати ва расмийлаштири-видан ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда божхона ходимларининг зиммасидаги масъулият катта. Зеро, Ўзбекистонга кириб келатган хорижий меҳмонлар, энг аввало, божхона ходимлари билан мулоқотга киришишда, уларнинг юртимиз ҳақидаги дастлабки таассуротлари аини шу мулоқотдан шакллана бошлайди.

Сайёҳлар билан хорижий тилларда эмин-эркин мулоқот қилаётган божхона ходимлари уларни мамлакатимиз божхона қондалари билан яқиндан таништиришди.

Поездда хорижий сайёҳлар учун яратилган шарт-шароитлар, вагонларнинг ўзига хос дизайни ва жиҳозланиши киши эътиборини ўзига тартади.



Поезддаги 110 нафарга яқин сайёҳларнинг асосий қисмини Европа, хусусан, Германиядан ташиф буюрган туристлар ташкил қилади. Улар йўналишларга бўлинган ҳолда 28 сентябрга қадар Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шахрисабз ва бошқа бир қатор тарихий шаҳарларида бўлишади.

— Мен Ўзбекистон ҳақида эшитган эдим, айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг додруғи бутун оламга ёйилган. Мен Германияданман, юртингиз ростдан ажойиботларга тўла, ҳаммаси аъло даражада, айниқса, биз, Германия фуқаролари учун 2018 йил январь ойидан 30 кунлик визасиз режимининг Ўзбекистонда жорий этили-

ши янада қулайлик яратди, — дейди сайёҳлардан бири Хильдегард Дрехслер хоним.

"Ўзтемирийўловчи" акциядорлик жамиятининг маълум қилишича, октябрь ойининг якунига қадар худди шу каби яна 2 та махсус туристик поезднинг келишига тарадуд кўриломоқда.

Божхона бекати

Нақд хорижий валюталарни олиб ўтишолмади

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Навоний" чегара божхона пости ходимлари томонидан, ушбу поста пиёда ҳолда кириб келган фуқаро О.А. божхона назоратидан ўтказилганда фуқаронинг эғнидаги қийими чўнтақларига яширилган, озаки сўроғда тақдим қилинмаган ва йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган 40 000 АҚШ доллари яширилгани аниқланди.

Биофаол қўшимчалар тўхтатиб қолинди

Жиззах вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида Фориш туманининг қўшни давлат билан чегарадош айланма йўлда тезкор тадбир ўтказди.

Тадбирда ушбу ҳудудда номаълум шахслар томонидан қонунчи равишда олиб киришга уринилган хўжалик сумкалари хопислар иштирокида кўздан кечирилганда умумий қиймати 933 350 000 сўмлик, 65 391 дона "Minoxidil" гелъ, "Montalin" ва "Samyul Wan" номли биофаол қўшимчалар борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб бориломоқда.

Божхона кўмитаси ахборот хизмати

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида эътироф этилган давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишдек долзарб вазифаларни амалга ошириш инновацион ривожланишнинг кўлами ҳамда суръатига боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Инновацион таълим қандай бўлиши керак?

Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимлари шундан далолат беришдики, инновацион ривожланиш инсонларда, хусусан, турли таълимнинг, корхона ва фирма ходимлари, мутахассисларида инновацион билимларга асосланган фаолият билан шуғулланиш имкониятини, ваколатини ҳамда муайян амалий таърибани шакллантиришни таъқозо этади. Босқича айтганда, инновацион ривожланиш "инновацион инсон"ни шакллантиришни талаб этади.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.

Инновацион инсон кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётини принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини аниқлатади. Бу ҳар бир инсон инновацион муҳитда ўзининг қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши талаб қилинади деганидир.



қотчилар ва менежерларнинг янги тоифасини шакллантиришдир. Бу ўта мураккаб ҳамда долзарб вазифани ҳал этишда асосий эътибор, таълим тизимининг узлуксиз бўлишига, иқтисодий фаол аҳолининг, ходим ва мутахассисларнинг ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришларини рағбатлантиришга (ҳар йили ўртача 15-20 фоиз ҳодимнинг малакасини оширишга эришиш), бунинг учун кулай шарт-шароит яратилишига қаратилиши лозим.

Бугунги кунда технология ривожланишининг тезкорлигини, олинган билимларнинг тез эскириши, кадрларнинг, иқтисодий тизимда бўлаётган тузилмавий ўзгаришлар суръатини инобатга олган ҳолда таълим тизими ўқувчиларда тезкор, танқидий таҳлил қилиш қобилиятини, катта ҳажмдаги янги ахборотларни қабул қилиш, ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш хусусиятларини шакллантириш лозим. Ҳаёт талабига жавоб бераман деган инсон, шарт таъқозо этади, фаолият турини бир неча бор ўзгариштириш хусусиятига ҳам эга бўлиши шарт.

Иккинчидан, ёшларнинг инновацион таълимнинг фаолиятини рағбатлантирувчи тизимни яратиш. Бу тизимда асосий эътибор: биринчидан, ёшларга, олий ўқув юртида таълим олаётган талабаларга техник ҳамда мутахассисликлар бўйича қўшимча дастурлар яратиш.

Ёшлар орасида турли конкурслар, форумлар, олимпиадалар ўтказиш, иқтидорли ўқувчиларни ўрта таълим тизимининг

юқори босқичларидан бошлаб илмий фаолиятга жалб қилиш тизимини яратиш зарур. Олий таълим муассасаларида мактаб ўқувчилари учун илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича кундузги, сиртки курсларни ташкил

қизиқишни уйғотади, талантли ёшларни аниқлаш имконини бериши ҳамда уларда илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиш уйғотади.

Туртинчидан, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда йиллар давомида инновацион ривожланиш борасида мисқоллаб йиғилган анъаналарни, таърибларни, ютуқларни ҳисобга олган ҳолда таълим сиёсатини юритиш. Кайд этилган вазифаларни самарали ҳал этиш давлат, илм, таълим, бизнес соҳаси вакиллари ҳамда фуқаролик институтлари билан узвий ҳамкорликни таъқозо этади. Бу ҳамкорликни амалга ошириш механизми мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан фан, таълим соҳаларида, таълимнинг ривожланиши борасида иш-корликни таъқозо этади. Бу ҳамкорликни амалга ошириш механизми мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан фан, таълим соҳаларида, таълимнинг ривожланиши борасида иш-корликни таъқозо этади. Бу ҳамкорликни амалга ошириш механизми мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан фан, таълим соҳаларида, таълимнинг ривожланиши борасида иш-корликни таъқозо этади.

Бугунги кунда таълим тизими ҳамда илм-фан, инсоният тараққиётининг асоси, инсон капитали ривожланишининг кафолати, ҳар қандай давлатнинг янги босқичга кўтарилишини таъминловчи кучга айланади.

Ўзбекистоннинг яқин ўн йиллардаги ривожини таъминловчи таълим тизимининг кенг маънода ўқимли қилини, бу ўзгаришлар оламда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун имкон яратишга боғлиқ. Бунга мамлакатда ишлаб чиқилиши керак бўлган "Таълим концепцияси" асос бўлиши мумкин. Ушбу концепцияда ишлаб чиқилган таълим тизимининг мақсади, вазифалари, принциплари ҳозирги даврдаги глобаллашув жараёнларининг, мамлакатини инновацион ҳамда инфокоммуникацион ривожланишининг талабларига мос бўлиши лозим.

Инновацион таълим тизими мамлакатда интеллектуал қатламни яратишга, ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилиши керак. Айни пайтда, бу таълим тизими барчага баробар очик ҳамда юқори сифат даражасида бўлиши лозим. Инновацион таълимнинг нафақати инсонларнинг касбий ўсишини, ижтимоий мақомини, балки улар ҳаётининг мазмунини ҳам белгилаб бериши керак.

Бир сўз билан айтганда, инновацион таълим инсонда мустақил ҳамда ижодий фикрлашни тарбиялаш билан бир қаторда, у инсоннинг ўзини намоён этишига, тинмай илмга интилишига, янги-янги билимларни ўзлаштиришига, инновацион маданиятнинг шаклланишига хизмат қиладиган тизим бўлиши лозим.

Абдуғаффор ОРТИҚОВ, партия эксперти

БУГУННИНГ ОДАМЛАРИ

— Анор азалдан минг дардга даво, инсон саломатлиги учун бебаҳо неъмат ҳисобланади, — дейди Ориф Худойбердиев. — АҚШнинг тиббиёт мутахассислари анор таркибида бошқа бирор-бир мевада учрамайдиган фаол микроэлементлар борлигини аниқлаб, уни беморларга муолажа дориси ўрнида тавсия этишгани бежиз эмас. Шу боис анор етиштириб бозорларни сероб этадиган деҳқон инсон саломатлигининг қўриқчиси ҳам ҳисобланади.

Ориф раиснинг АНОРЗОРИ

Дарвоқе, Тайлоқ сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун кулай макон саналади. Кейинги йилларда бу ерда интенсив боғларни кенгайтириш билан бир қаторда тоза шомол эсиб турадиган, соз тупроқли ерларда анорзорлар барпо этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, "Ворсин" агрофирмасига қарашли "Худойбердиев Озод Шодикулович" фермер ҳўжалигида 3 гектар майдонда таъриб тарихида қилб қўйилган анор кўчаларини шох ёзиб, гуркираб ҳосилга кирди. Экин парвариши агротехника қоидаларига суяниб олиб борилаётгани туфайли ҳар тупида 50-60 тагача мева санаш мумкин. Бу гектардан бемабол 20-23 тонна анор олиш мумкин, деган гап.

"Ворсин" агрофирмасида 27 та фермер ҳўжалиги 360 гектар унумдор майдонда деҳқончилик қилмоқда, — дейди агрофирма раиси Ориф Худойбердиев — Биз уларга кўпроқ даромад берадиган экин турларини экишни, ҳосилни қачон, қаерларда сотиш мумкинлигини тушунирдик. Агротехникани хизматни талаб этилган пайтда йўлга қўйиб бераймиз. Банк хизмати, сугориш, мелиорация ишларига масул ташкилотлар билан хизмат кўрсатиш масаласида эътирозга ўрин қолдирмасликка интилаямиз. Натижада фермер ҳўжаликларидан иш самарадорлиги ортиб борапти. Хусусан, бу йил гектардан 65 центнердан галла етиштирдик. Дон йиштириб олинган майдонларга тақрибий экин сифатида картошка эдик. Кузда картошқадан бушаган ерга яна бугун



Зохир ТўРАҚУЛОВ, "Adolat" мухбири

дой экамиз. Қарабаски, деҳқоннинг кўз нури, қалб кўри тўқилган ер бир йилда икки-уч марта ҳосил беради. Ҳа, деҳқончиликнинг баракаси — ишинг кўзини билиб меҳнат қилишда. "Ворсин" агрофирмасида бундай таърибкор фермерлар кўпчиликини ташкил этади. Бири иссиқхона қуриб қишда помидор, бодринг етиштиради, бири олча, гилос, анорзорларни кўпайтиради, бирови боғига асалари қуларини қўйиб, шифобахш неъматни элга тортиқ этади. Шу боис қадимул айёмдан дунё деҳқон қўлига суянади, деб беҳиз айтишмаган. Қадимий касбини улуғлаб, уни янги мазмун, қутбарак билан бойитишга ҳаракат қиладиган тайлоқлик миришкорларнинг умри узок, ризқи фарог бўлсан, деймиз.

МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Куvasой шахридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби жамоаси фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Бу қўлга киритаётган муваффақиятларимизда яққол намоён бўлмоқда.

Мактабимиз додруғи

билимдон ўқувчиларимиз туфайли дунёга таралмоқда

Мактабимиз аниқ фанлар ва хорижий тилларга иктисослашган бўлиб, айни пайтда 1497 нафар ўқувчи 82 нафар ўқувчи ва мураббийлар қўлида таълим-тарбия олмақда. Синфларимизнинг 18 тасида таълим рус тилида олиб борилади. Ҳар бир дарснинг янги педагогик услуб ва қўлланмалар ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида ўталаётгани ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширмоқда. Қолаверса, 2018-2019 ўқув йилида 7 та бошланғич синфда куни узайтирилган

гурuhlарни ташкил қилганмиз. Мазкур гуруҳларда ўқувчилар уйга берилган вазифаларни бажариш билан бирга инглиз ва рус тилларидан қўшимча сабоқ олишади. Шунингдек, Фаргона давлат университетидан таълим этилган таъриблари профессор-ўқувчиларга ўқувчиларга қўшимча дарс ўтишмоқда. Ўқувчилар саводхонлигини ошириш мақсадида эса ҳар ой якунида оммавий диктант ёзиш машғулотини ўтказамиз. Ўзим "Ўзбек тили ва адабиёти" фани ўқувчиси бўлганим учун диктантларни



текшириб чиқаман. Кейин биригилда таҳлил қиламиз. Бу таърибдан ҳеч бир устоз хафа бўлмайди. Аксинча, ўз устида янада кўпроқ ишлайди.

Эътироф этиш керак, мактабимизда ташкил этилган 52 та фан, спорт ва касбий таълим тўғрисидаги ўқувчиларимиз билимини бойитиш ҳамда уларни жисмонан бақувват, руҳан тетик қилиб тарбиялашда жуда кўл келмоқда. Натижада ўқувчиларимиз турли фан олимпиадалари ва "Билимлар беллашуви"нинг туман, вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. **Жумладан, 2018-2019 ўқув йилида**

11-синф ўқувчиси Асадбек Одилов "Инглиз тили" фани олимпиадасининг республика босқичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Натижада унга халқ депутатлари Куvasой шахар кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, таълим ҳоимийси Мўйсинжон Меҳмонов томонидан 50 миллион сўм миқдорда пул мукофоти берилди. Чунки М.Меҳмонов ўқув йили бошланишидан олдин, яъни январий август кенгашида фан олимпиадаларининг вилоят босқичи қолибига 20 миллион сўм, республика босқичида қолибига қўлга киритган ўқувчиларга 50

миллион сўмлик мукофот берилишини эълон қилганди. Шунингдек, Асадбек Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дипломи ва пул мукофоти билан ҳам тақдирланди. Вилоят ҳоқимлиги томонидан эса қолибига планшет туҳфа этилди. Қувонарлиси, А.Одилов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Жаҳон сиёсатшунослиги" факультетида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Албатта, Асадбек сингари ўз билими билан мактабимиз додруғини республикамизда, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий давлатларда таратаётган ўқувчиларимиз талайгина. Бу борада гапир-



ганда, аввало, 86 нафар битирувчиларимизнинг 16 нафари олтин ва кумуш медалга сазовор бўлганини ҳамда 51 нафари турли олий ўқув юртиларига давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга кирганини мамнуният билан тилга олиш лозим. **Масалан, таърибали инглиз тили фани ўқувчиси Замира Бахтишева раҳбарлик қилган 11-синфнинг 32 нафар битирувчисида 27 нафари талабалик бахтига муассар бўлди.** Ёки 4 нафар битирувчиси — Насиба Тохиржонова, Дибра Лутфуллаева, Мадина Абдунабиева ва Нўмонжон Исмоилов ўзлари танлаган 3 та олий ўқув

нинг учун ҳозирданок она тили ва адабиёт, тарих, ҳуқуқ, инглиз тили, математика ва кимё фанларидан тайёрол гуруҳларини ташкил этдик. Келгусида Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус ижроси доирасида, яъни битирувчи қизлар ва йигитларни оилага тайёрлаш мақсадида "Оила этикаси" фанини ҳам ўқув дастурига киритишни режалаштирганмиз.

Шу ўринда яна бир ютуғимизни айтмасам бўлмас. Йил бошида Халқ таълими вазирлиги томонидан "Обод мактаб" экологик ойлги ташаббуси доирасида эълон қилинган танловда мактабимиз "Энг обод мактаб", деб топилди.

Айни кунларда шахримиз Куvasой ўзининг 65 йиллик юбилейини тантанали қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, азиз юртдошларимизни ана шу тантаналарга, шахримизга меҳмонга таълим этишимизни аниқлаштириб келаятган "1 октябрь — Ўқувчи ва мураббийлар куни" байрами билан таъриблаймиз.

Насибохон МўМИНОВА, Куvasой шахридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори

МУАССИС: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Али Қўлиев

Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ

Ташхир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гаъфар АЛИМОВА, Муҳаммад ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Ташхир ҳайъати: Тошпўлат МАТИБАЕВ, Таъабт МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шўҳрат ЯҚУБОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Қотибнот — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва халқаро бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйқатга олинган. Қозғ бичими А-2. Ҳақим — 4 босма табоқ. Объетт усулида босилган. Буюртма 1 — 900. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Ташхирнинг маънави: 100043. Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Республикаси. "Шарқ тоғи" кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz adolat@95@mail.ru